

СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 4 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 4

INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 4



Бош муҳаррир:

Холбеков Муҳаммаджон

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Тўхтасинов Илҳом

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Таҳрир хайъати:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўгли

ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахиммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт

Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

Главный редактор:

Холбеков Муҳаммаджон

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:

Тухтасинов Илҳом

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

Редакционная коллегия:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умар оглы

д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Джеймс Форт

Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Балтабоев Ҳамидулла

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

д.ф.н. (Грузия)

Юсупов Ойбек

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

Editor in Chief:

Kholbekov Muhammadjan

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

Tuhtasinov Ilhom

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Editorial Board:

Bakhtiyor Nazarov

academician. (Uzbekistan)

Yakub Umaroglu

Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova

Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim

Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail

Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort

University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar

Doc. of philol. scien. (Georgia)

Yusupov Oybek

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

47. Gazibekova Sohiba Yusupovna FITONIMLARNING LINGVOMADANIY XUSUSIYATLARI.....	5
48. Каххорова Гулрух Шавкатовна ЮКЛАМАЛАРНИНГ ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	10
49. Исломов Икром Хушбоқович ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ МИЛЛИЙ КОРПУСИДА ГЕОГРАФИК ТЕРМИНЛАРНИ БЕРИШ МАСАЛАСИ.....	17
50. Хамидова Муборак Ҳафизовна ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА АНЕМОНИМ ВА МЕТЕРИОНИМЛАР.....	23
51. To'rayeva Zuhra Abdualim qizi NUTQIY AKT MAZMUNI VA "AYBLOV" NUTQIY AKTINING BEHAVITIV IFODASI....	31
52. Эрданова Зебинисо Абулкасиновна ЗАМОНАВИЙ ЛИНГВИСТИКАДА ИНСОН ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ АКС ЭТИЛИШИ...	36
53. Sodiqova Yulduz Furqatovna LINGVISTIK VA ADABIY KOMPETENTSIYALAR SHAKLLANISHIDA BADIY MATN FILOLOGIK TAHLILINING O'RNI VA O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI...	43
54. Khamraeva Z. Kh. COMPLEX SENTENCES IN ENGLISH LANGUAGE AND ITS CLASSIFICATION.....	48
55. Дилфуза Турдалиева АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА МАҚОЛЛАР ГРАДУОНИМИЯСИ.....	53
56. Khudoyorova Safura Tulkin kizi THEORETICAL BASIS OF COMPARATIVE STUDY OF PHRASEOLOGICAL UNITS IN THE LINGUACULTURAL ASPECT.....	58
57. Namazova Manzura Urakovna AMIR XUDOYBERDI SHE'RLARINING DUNYO TILLARIGA TARJIMASI VA UNING AHAMIYATGA MOLIK JIHATLARI.....	64
58. To'rayeva Zuhra Abdualim qizi NUTQIY AKT MAZMUNI VA "AYBLOV" NUTQIY AKTINING BEHAVITIV IFODASI....	71
59. Аззамов Ю.Р. ГАСТРОНОМИК КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	76
60. Мамарасулова Гулноз ИНГЛИЗ РОМАНТИЗМ ШЕЪРИЯТИГА ШАРҚ ОЛАМИНИНГ ТАЪСИРИ.....	84
61. Матмуродов Акбар ЗАМОНАВИЙ ЛИНГВИСТИКАДА ИНСОН ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ АКС ЭТИЛИШИ.....	92
62. Холикова Нозима Нематиллоевна БАДИЙ ТАРЖИМАДА МИЛЛИЙЛАШТИРИШ ВА УНИВЕРСАЛ РЕАЛИЯЛАРНИНГ ДЕТЕКТИВ АСАРДАГИ ВАЗИФАЛАРИ.....	99
63. Davlatova Mukhayyo Hasanovna THE EXPRESSION OF RESULTATIVE AND DEPICTIVE CONSTRUCTIONS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES.....	107

64. Sadriddinzoda Safiya Shaxobiddinovna THE RELEVANCE OF THE SEMANTIC FIELD "EVIL SPIRITS" IN MODERN LITERATURE.....	113
65. Турсунбаева Мухтабар Дехконовна ВИДЫ ИЛЛЮСТРАЦИЙ И ТЕХНОЛОГИИ ИХ СОЗДАНИЯ В СОВРЕМЕННОМ ПРОСТРАНСТВЕ ВИЗУАЛЬНЫХ КОММУНИКАЦИЙ.....	118
66. Нуриддинов Шахобиддин Бабаярович БИР ҲАЗАЛ МАТНИ ТАРИХИ ТУҒРИСИДА.....	122
67. Сайдуллаева Сурайё Серажиддиновна ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА НУТҚИЙ ЭТИКЕТЛАРНИНГ ГОЛОФРАСТИК ТИЗИМИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАРИ.....	128
68. Suvonova Nigorabonu Nizomiddinovna, Islamova Ozoda G'ulom qizi LEKSIK VA FRAZEOLOGIK ANTONIMIYA HODISASINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI (fransuz tili materialida).....	133
69. Гули Тоирова Ибрагимовна ТИЛ КОРПУСИЛАРИ ВА МИЛЛИЙ КОРПУСНИ ЯРАТИШ ХУСУСИДА.....	140
70. Davlatova Mukhayyo Hasanovna THE EXPRESSION OF RESULTATIVE AND DEPICTIVE CONSTRUCTIONS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES.....	147
71. Джумабаева Жамила Шариповна, Ташпулатова Ширин Зиёвуддин қизи ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ҲОЛАТ ФЕЪЛЛАРИДА СЕМАНТИК ДАРАЖАЛАНИШ.....	153
72. Xoliqova Laylo Faxriddinovna FILOLOGIK TA'LIM YO'NALISHLARIDA INGLIZ TILINI O'QITISHDA MAZMUNLI VA TIZIMLI LOYIHALARNI AMALGA OSHIRISH STRATEGIYALARI.....	159
73. Sadikova B. M. ITALYAN PAREMIOLOGIYASINI LINGVISTIK JIHATDAN O'RGANISHNING NAZARIY ASOSLARI.....	164
74. Эгамназаров Қобил Абдуназарович СУБСТАНЦИАЛ ВА КВАЛИФИКАТИВ ИНДЕФИНИТ ТЕМПОРАЛ СИНТАКСЕМА ВАРИАНТЛАРИ.....	169
75. Suyunova Nasiba Bo`riqul qizi O'SMIRLAR NUTQINING BIXEVIORLINGVISTIK VA ETNOSOTSIOLINGVISTIK XUSUSIYATLARI.....	175
76. Ходжаева Д.И. O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA TERMINOLOGIYA:RIVOJLANISHI, BOYISH VA XUSUSIYATLARI.....	182
77. Ким Татьяна Сергеевна АНТОНИМИЧНЫЕ ЕДИНИЦЫ В ЭССЕ ЛИ О РЁНА «СОПЕРНИК».....	188
78. Усманова Мохира Кенжаевна СОДДА ТУБ СЎЗ МОРФОЛОГИК ТАРКИБИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	193

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Матмуродов Акбар

Чирчиқ давлат педагогика институти
Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси
e-mail: matmurod_qwerty@mail.ru

ЗАМОНАВИЙ ЛИНГВИСТИКАДА ИНСОН ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ АКС ЭТИЛИШИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-4-61>

АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада замонавий тилшуносликнинг янги ривожланиб келаётган бўлимларидан бири антропоцентризм ҳақида илк тушунчалар ва қарашлар, ҳамда антропоцентризмнинг инсоннинг касбий фаолиятидаги ўрни ҳақида ёритилган. Замонавий тилшуносликда инсон фаолиятини ифодаловчи тил бирликларининг ўрни, уларнинг лингвистик хусусиятлари ва бу йўналишда тадқиқотлар олиб борган олимларнинг илмий қарашлари муҳокама қилинади. Тил ва инсон тафаккури асрлар давомида бир – бирига узвий боғлиқлигини сўнги асрлардагина олимлар диққатини тортди.

Хозирги кунга келиб тилшуносликнинг барча соҳалари, жумладан, психолингвистика, этнолингвистика, нейролингвистика, социolingвистика, лингвомаданиятшунослик, эколингвистика, юристлингвистика каби янги лисоний йўналишлар, келажакда янгидан-янги кўплаб илмий тадқиқотлар яратилишига тўртки бўлади.

Таянч сўзлар: антропоцентризм, парадигм, ноосфера, экспансионизм, психолингвистика, этнолингвистика, нейролингвистика, социolingвистика, лингвомаданиятшунослик, эколингвистика, юристлингвистика.

Матмуродов Акбар

Чирчикский государственный педагогический институт
Преподаватель кафедры дошкольного образование
e-mail: matmurod_qwerty@mail.ru

ОТРАЖЕНИЕ ЧЕЛОВЕКА И ЕГО ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В СОВРЕМЕННОЙ ЛИНГВИСТИКЕ

АННОТАЦИЯ

В научной статье описаны начальные концепции и взгляды на антропоцентризм, одну из формирующихся ветвей современной лингвистики, а также роль антропоцентризма в профессиональной деятельности человека.

Обсуждается роль языковых единиц, представляющих человеческую деятельность в современной лингвистике, их лингвистические особенности и научные взгляды ученых, проводивших исследования в этой области.

Язык и человеческая мысль веками были неразрывно связаны, лишь в последние века учёные стали предавать всё больше внимания этому понятию.

Сегодня все области лингвистики, такие как психолингвистика, этнолингвистика, нейролингвистика, социолингвистика, лингво-культурология, эко-лингвистика, юриспруденция, ведут к созданию множества новых научных исследований в будущем.

Ключевые слова: антропоцентризм, парадигма, ноосфера, экспансионизм, психолингвистика, этнолингвистика, нейролингвистика, социолингвистика, лингво-культурология, эко-лингвистика, юриспруденция.

Matmuradov Akbar

Chirchik State Pedagogical Institute

Teacher of the Department Pre-School education

e-mail: matmurod_qwerty@mail.ru

REFLECTION OF MAN AND HIS PROFESSIONAL FIELD OF ACTIVITY IN MODERN LINGUISTIC

ANNOTATION

This scientific article is devoted to study of the initial concepts and views on anthropocentrism, one of the emerging branches of modern linguistics, as well as the role of anthropocentrism in human professional activity. The role of language units representing human activity in modern linguistics, their linguistic features and the scientific views of scholars who have conducted research in this area are discussed. It is only in recent centuries that language and human thought have been inextricably linked for centuries. Today, all fields of linguistics, including psycholinguistics, ethno linguistics, neurolinguistics, sociolinguistics, linguacultural studies, Eco linguistics, jurisprudence, will lead to the creation of many new scientific researches in the future.

Keywords: anthropocentrism, paradigm, noosphere, expansionism, psycholinguistics, ethno linguistics, neurolinguistics, sociolinguistics, linguacultural studies, eco linguistics, jurisprudence.

Кириш.

Тилшуносликда XX-XXI асрга келиб юзага келган системоцентризм илмий парадигма бўлиб, тилининг тузилишини, лисоний бирликлар ўртасидаги аълоқаларнинг моҳиятини ўрганилишга қаратилган мураккаб тизим сифатида тушуниш билан изоҳланади.

Инсон табиат ресурсларидан хайвонот дунёсининг бошқа вакиллари билан фарқли ўлароқ фойдаланиб, жамиятни фаол равишда ўзгартирди. Шу муносабат билан табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқликни белгилаш ва ривожлантиришнинг асосий омили инсоннинг оқилона фаолияти махсули ҳисобланади. Бу фанга “ноосфера” тушунчаси киритилди. [1,530]

XX - XXI асрда фанга кириб келган бу тушунча инсон онги ва ақлий фаолияти соҳаси биосферага таъсири ва унинг эволюцияси билан боғлиқлигини ифодалайди.

Илмий инқилоб парадигма ўзариши ҳар қандай назария, атама ва бошқа тушунчалар билан эмас, балки парадигма ичидаги маъно ва тарихий шаклланган қарашлар тизими орқали содир бўлади. Т.Куннинг фикрича, “..... инсон фаолиятидаги муаммони ҳал қилишда дуч келинган муофаккиятсизликлар, янги назариянинг туғилишига сабаб бўлади....” [10,110]

Асосий қисм.

Замонавий тилшунослик кўплаб ўзига хос хусусиятларини тўрт асосий йўналишида кўришимиз мумкин. Тилшунос Э.С. Кубрякова уларни экспансионизм, антропоцентризм, функционализм ва тушунтириш тенденцияси деб атади. Ушбу асосий тўрт хусусиятлар билан ҳозирги кундаги замонавий лингвистикани таҳлил қилиш мумкин.

Тилшуносликдаги экспансионизм ўзига хос хусусият бўлиб, ўзига хос янги соҳаларни ўз ичига олади. Жумладан, психолингвистика, этнолингвистика, нейролингвистика, социолингвистика, лингвомаданиятшунослик, эколингвистика, юристлингвистика каби янги

лисоний йўналишлар, келажакда янгидан-янги кўплаб илмий тадқиқотлар яратилишига туртки бўлади.

Замонавий тилшуносликнинг иккинчи муҳим хусусияти бу антропоцентризмдир, яъний тилшунослик назарияси диққат марказида лисоний омиллари эмас, балки инсон фаолиятидаги тил ҳодисалар ётади. Демак, энди тилшуносликнинг барча бўлимларида инсон нутқ субъекти сифатида ўрганилади.

Навбатдаги лингвистик хусусият функционализм кенг маънода тил бирликларнинг функциялари, замонавий функционализм ёки неофункционализм деб аташ мумкин. Бу йўналиш когнитив жараёнларни, психологик механизмларни, стратегияларни ва ўзаро коммуникатив таъсир самарадорлигини, функционал тилшунослик аспектлар когнитология, психоллингвистика ва функционал телеологик ёндашувни ва динамик ёндашув орқали тил билан алоқа назарияси каби самарали тадқиқот йўналишлари билан боғланади. Демак, замонавий тилшуносликнинг хусусиятларидан бири функционализмнинг асосий тамойиллари, унинг типологик йўналиши, эмпириклик, кўплаб тадқиқот усуллари қўлланилиши ва биз кўп марта дуч келган, фанлараро боғлиқлигидир.

Замонавий тилшуносликнинг сўнги хусусияти тушунтириш тенденциясининг асосий вазифаларидан бири тилнинг ички хусусиятларини таҳлил қилиш ва тушунтириш ҳисобланади. Тилшуносликнинг бу услубий принципи фаннинг ривожланиш даражасининг ўсишини таъминлаб, кўплаб аниқ тадқиқот усуллариининг пайдо бўлишини ва инсонга тилнинг аниқ хусусиятларини ўрганишига замин яратади.

Келтирилган замонавий тилшуносликнинг бу хусусиятлари бир – бири билан чамбарчас боғлиқ.

Жамиятда инсоннинг ўрнини қайта таҳлил қилиб, ўрганиш антропоцентризмнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Антропоцентризм (юнонча “anthropos” - инсон, латинча “centrum” – марказ) [1] – бу илмий йўналишда инсон оламнинг марказида эканлигини, ва инсонни коинотнинг марказида, шунингдек энг юқори чўққисида эканлигини кўрсатиб беради.

Замонавий тилшуносликнинг ўзига хос хусусияти антропоцентризм ёки олам ва дунёда содир бўлаётган барча ҳодисаларни бошқараётган инсон эканлигидир.[7, 141-172]

Ушбу йўналишнинг назарий асосини Ф.де Соссюрнинг асарлари, рус тилшунослиги анъналарига – И.А.Бодуэн де Куртэней, Ф.Ф.Фортунатов, А.А.Шахматов ва бошқалар тадқиқотларида ёритилган.

Антропоцентрик илмий тадқиқотларда инсон ва унга тегишли борлиқ яъний жамият, табиат, маданият, идрок ва бошқалар билан чамбарчас боғлиқлигини ўрганилади. Бу йўналишда инсон фалсафа, экология, тилшунослик, мантиқ ва бошқа турли хил фанлар билан ўз тадқиқот объекти сифатида ўрганилади. Гарчи, инсон ўз фаолиятининг барча жабҳаларини тилсиз тадқиқ этиб бўлмайди. В.Гумбольдт таъкидлаганидек, тилнинг моҳиятини англаш ва уни изоҳлаш фақат кўп томонлама асосга эга бўлган инсон фаолияти ва у яратган дунёда кўриш мумкин. [5,69]

Тилшуносликдаги антропоцентрик йўналиш инсон моҳиятини тил билан чамбарчас боғлаб таҳлил қилади. Маълумки, тил ва инсон ўртасидаги кўринмас ўзаро аълоқаси буюк немис олими, файласуфи, тилшунос Вильгельм фон Гумбольдт ғояларидан бошланган.

Бундан ташқари, кўпгина тилшунослар таъкидлаганидек, тил одамнинг ўзини ва атроф – муҳитни англаш ойнаси эканлиги ва тил табиатан субъективлиги, уни инсонлар ишлатиш жараёнида ўзларига мослаштира олади. Тил инсон томонидан қўлланилади, шунинг учун атрофдаги олам ҳодисалари лингвистик таснифлашни бажаради, лекин оламдаги ҳодисалар ва объектларнинг лингвистик номинацияси билан инсоннинг идрок этиш хусусиятлари ўртасида боғлиқлик мавжуд. Чунки тил воқеликни “нусхалаштира” олмайди, балки инсонлар томонидан ўз билиш жараёнида маълум бир шаклда акс эттириши мумкин.[11,237-240]

Шунингдек, В.Гумбольдтнинг сўзларига кўра: “...тил инсониятнинг тўлиқ изоляцияси шароитида ҳам тафаккурнинг мажбурий шартидир. Аммо тил одатда фақат жамиятда ривожланади ва инсонлар ўзларининг сўзлари бошқа одамларга тушунарли эканлигини

ишонч ҳосил қилгандан кейингина ўзлари англайдилар.....” . [5] Бу изоҳ билан В.Гумболдт ўз назариясида тил билан тафаккур бир – бири билан чамбарчас боғлиқлигини исботлайди. Олимнинг тил билан тафаккур ўртасидаги боғлиқлигини бошқа ўрта осиелик олимлар диққатини ҳам тортади.

Тил ва тафаккур боғлиқлигига яна бир немис тилшуноси А. В. Гулыга шундай тариф беради: “...тиллар туфайли миллатлар аста – секин ўйлашни ўргандилар ва фикрлаш туфайли улар аста – секин гапиришни ўргандилар...” [6,35] Дарҳақиқат, тил мавжуд экан жамиятда инсонлар уни таҳлил қилади, ўрганади ва ўргатади. Тил нафақат алоқа воситаси, балки у инсон табиатини англашнинг ўзига хос калити, миллат қадриятларини сақлаш воситаси ҳамдир.

Антропоцентрик лисоний ғоя замонавий тилшуносликнинг калити ҳисобланади. Бу парадигмада, инсон дунёни ўз нуқтаи назаридан ҳам назарий, ҳам объектив фаолиятида англайди ва ўрганади. Бу назария инсонга дунёни яратиш ҳуқуқини беради, қайсики, унинг маънавий моҳиятини, ҳаракатлар мотивларини, қадриятларини белгилайди. [10,6]

Ўтган асрнинг ўрталарида таниқли француз тилшуноси айтганидек, тил бир ўлчов воситаси, бу ўлчов воситаси билан инсонни ўрганиш мумкин, шунинг учун ҳам бир тилни ўрганамиз. [3] Демак, айнан тилшунослик инсонга кўп нарсани англашга ёрдам бераркан. XX асрнинг немис мутафаккирларидан бири Мартин Хайдигер “...инсоннинг моҳияти тилда ётади...” деган фикрига академик В.В.Виноградов ҳам қўшилган.

Антропоцентрик ёндашув инсонни тилда таҳлил қилади. И.А.Бодуэн де Куртэне айтганидек, тил фақат индивидуал онгда, руҳда, шахсларнинг руҳиятида ёки лингвистик жамиятни яратувчи шахсларда мавжуд. [4]

Демак, замонавий тилшуносликнинг асосий ғоясини антропоцентризм эгаллар экан, лингвистик таҳлилнинг мақсади энди оддий бўлмайди, балки тил бирликларининг турли хусусиятларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва ўрганиш бўлади. Чунки тил жамиятдаги энг мураккаб алоқа воситаси бўлиб, антропоцентризм орқали тил ва инсон фаолиятини, унинг маҳсулини, объектини, ривожланиши ва ўзини-ўзи бошқаришини ўрганамиз. Бу йўналиш орқали биз тилнинг характерловчи мураккаб томонларини ва моҳиятини ўрганамиз.

Демак, замонавий тилшуносликдаги антропоцентризм йўналиши инсонни биринчи ўринга олиб чиқади ва тил инсоннинг асосий онгли хусусияти ва унинг асосий компоненти эканлигини кўрсатади. Нутқ инсоннинг тилдан ташқари, ақл – идроки, ақлга сиғмайдиган яратувчанлиги ва идрок этиш қобилияти ва лингвистик қобилиятидир. Инсон томонидан воқеъликка берилган матн инсон тафаккури маҳсули, тил воситаларидан фойдаланган ҳолда фикр динамикасини яратади ва тасаввурни уйғотади.

А.А. Потебня В.Гумболдт ғояларини қўллаб қувватлади ва тилни ривожлантириш ҳақида мулоҳаза юритди. Унинг антропоцентризм ҳақидаги фикрича аслида тил жамиятда ривожланади ва тил нафақат инсон ўзига тегишли, балки унинг қабиласига, ҳалқига тегишлидир. Инсон ўз мулоқоти давомида ўз фикрини атрофидагиларга баён қилиш орқали ўзи ҳам англашини таъкидлади. [12,218]

Дарҳақиқат, В.Гумболднинг ғояларини рус тилшунослари ҳам илгари сурди, жумладан, А.А.Потебня (1989, 1990,1993), Буслаев (1977,1992), Афанасьев (1995) ва бошқалар томонидан ривожлантирилди.

Замонавий тилшуносликда кўплаб ғоялар ва фикрларнинг ривожланишига В.В.Виноградов ҳам ҳисса қўшди. У тилда инсон фаолиятининг вужудга келишига тўхталди. В.В.Виноградов тилшуносликка шахс тушунчасини киритди ва уни ўрганишни бадий адабиёт тили билан боғлаб ўрганди.

Тил тизимининг лексик қатламини ўрганишда антропоцентризм вазифаларини шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, улар орасида “дунё суръати”ни лексик тизим орқали “инсон моделини” боғлаб ўрганиш асосий хусусиятлардан биридир. Бу ўрганиш асосан икки йўналишга бўлинади, биринчиси маълум бир тилдаги лингвистик кенг маънавий стереотипларга оид индивидуал тушунчаларга боғлаб ўрганиш, иккинчиси тилга хос тушунчалар билан олами илмий йўналишда ўрганишдир. Ҳар иккала таклиф қилинаётган

тадқиқот йўналишлар ҳам лексикографик хусусиятга эга, чунки уларнинг асосини лексик бирликларни таҳлил қилиш, уларнинг мавжуд хусусиятларини англашдан иборат.

Аммо аксарият олимлар замонавий тилшуносликнинг ҳолатини илмий билимлар парадигмаси ва илмий инқилоб тушунчалари билан боғлаб таҳлил қилишади. Бу иккала тушунчани америкалик олим ва файласуф Томас Самуэл Кухн (1922-1996) ўзининг “Илмий инқилобларнинг тузилиши” китобида ойдинлаштирган. [8,11] Унинг концепциясига кўра: илмий билимлар эволюцион тарзда ривожланмайди, балки тўпланган билимлар илмий инқилоблар содир бўлиши ривожланишига туртки бўлади.

Тил ходисаларини кўриб чиқишнинг янги истикболи – уни ўрганиш ва амалда қўллаш “тилда субъективлик” (Э.Бенвенист) ёки “антропоцентрик принцип” (Ю.С.Степанов) фикрларига кўра, сўзловчининг нутқ жараёнида тилни ўзлаштириш қобиятини эътироф этишдир. Тадқиқотчи олим Ю.С.Степанов тилнинг антропоцентрик принцини таҳлил қилишда шундай деб ёзади: “Тил – бу семиотик тизим, унинг асосий йўналтирувчи нуқталари сўзловчи шахс билан бевосита боғлиқдир” [13,50] Демак, инсон шахсияти тилда ва тил орқали акс этилар экан.

Инсон шахсини асосан унинг бошқа шахслар билан мулоқотида ўзини англаши мураккаб тизим бўлиб, олимнинг фикрига кўра, “инсон” тушунчаси оламни лингвистик нуқтаи назардан кўришга хос муҳим маданий тушунчаси яъни ижтимоий концептуал мазмуни, умуминсоний ва миллий қадриятлар тоифасига киради.

Тилнинг энг мураккаб моҳиятини акс эттириш учун олим уни бир нечта образлар кўринишида ифодалади, лекин бу образларнинг ҳеч бири тилни тўлиқ тасвирлай олишга қодир эмас эди: олим тилни шахс тили сифатида, уни тил оиласининг аъзоси сифатида, тил тузилмаси сифатида, тил тизими сифатида, тил тури ва белгиси сифатида, тил фикрлаш доираси сифатида яъни инсоннинг мураккаб когнитив фаолияти каби сифатларда тасвирлади. Бироқ тилда инқилоб шундай давом этдики, ҳар бир сифатни сиқиб чиқармай балки ўз ичига олди. Шу сабабли, сўнгги йиллардаги асосий лингвистик парадигмалар бир – бирини истесно қиладиган тил ёндашувлари деб бўлмайди.

Демак, тил инсоннинг шахсий фазилатларини ифодалаш билан боғлиқдир. Ҳар қандай илм фан тарихидаги тадқиқот парадигмаларининг ўзгариши, ушбу соҳадаги асосларни қайта кўриб чиқишга замин яратади.

Ушбу лингвистик йўналиш сўнгги йилларнинг барча илм парадигмаларини бирлаштиб умумий илмий ва лингвистик принциплар тамоилини ишлаб чиқди. Демак, “инсон тил орқали нимани муҳокама қилади” жиҳати тил семантикасининг янги босқичига устувор йўналиш яратди. Инсон фаолиятида тилнинг аҳамияти юксак баҳоланиб, тил семантикасида янгидан – янги атамалар кириб келди.

Замонавий тилшуносликнинг антропоцентризм ва функционализм хусусиятларининг бирлашиши, тилшуносликнинг умумий илмий тамоиллари кенг ривожланишига кўп туртки бўлди ва шу билан бирга янги илмий тадқиқотлар мақсад ва вазифаларига айланди. Бироқ замонавий тилшуносликнинг функционализм хусусиятида асосий нуқтаи назар бу тилни семантик функциясидан тортиб то уларни амалга ошириш босқичларигача ўрганиш ва тавсифлашдир. Шу сабабли, функционализм тилда содир бўлган турли хил ёндашувларни ҳисобга олади, тил фойдаланувчиси нутқидаги ролига сўзловчи ва тингловчига ажратади.

Антропоцентризм таъсири остида индивидуал тил тизимлари, тил садҳи ва уларнинг бирликларини таснифлар ноанъанавий ёндашувдир, ҳамда лингвистик тадқиқотларда инсон омилининг киритилиши функционал ёндашувни (неофункционализм принципи) яратилишига сабаб бўлди.

Бу каби тилшуносликдаги ўзгаришлар, биринчи ўринда тилни тавсифлашнинг қатъий, категорик схемаларини рад этди, балки тил тизимини таҳлил қилиш учун мутлоқ таксономик ёндашувга боғлади. Демак, таксономик ёндашувда тил тизмидаги юқори даражали бирликлар таркибига барча субъектларни киритиб ёки қўшиб ўрганадиган тизимдир.

Бироқ, XIX аср тилшунослигини таҳлил қилган олим Бодуэн де Куртэне тилнинг келиб чиқишини тасниф қилар экан, ҳеч бир назария инсоннинг ташқарисидаги тил ва тилнинг

мураккаблигини ҳисобга олмайди деган фикрни айтди. Ушбу ўзгармас назария асосида, антропологик парадигманинг предмет сифатида тан олиниши ва унинг назарий ҳамда амалий талқини субъектлар билан боғланганда, кетма – кет муаммоларни юзага келтирди.

Булар тил ва шахснинг ақлий фаолияти, инсоннинг тили тафаккури ва онги боғлиқлиги, инсон тили ва унинг физиологияси, тил ва шахснинг руҳияти кесишмаси, тил ва алоқа, инсоний қадриятларда тилнинг ўрни каби муаммоларга, ҳозирги кунда инсон тили ва унинг нутқий фаолияти, тил ва дунё ҳақидаги билимлар, инсоний нутқий фаолиятида фикрлаши, тил ва инсон онги ўртасидаги алоқа каби қатор муаммолар юзага келди.

Бундан ташқари, антропоцентризм тамойили ҳам, антропологик тамойиллар ҳам аниқ самарали тадқиқотларда ўрганилмаган. Буни биз тилшунос олими А. Вежбицкаянинг фикрини келтиришимиз мумкин, яъни антропоцентрик ёндашув ҳар хил талқин этилиши мумкин, баъзан тилнинг асли қандай бўлса шундай ишлатилиши ёки тил функционал тизим бўлиб, у инсонга муҳим фикрларни етказишда фойдаланилади. Бундан ташқари тилнинг жамиятда ошқорилиги муҳимдир.

Шу тарзда, антропоцентрик парадигма нуқтаи назардан, инсон дунёни ўз фаолияти орқали ўрганади. Антропоцентрик парадигма – бу тадқиқотчининг қизиқишларини илм – фан объектларида таҳлил қилишидир, бошқача қилиб таъкидлаганда, шахснинг тилдаги ва шахсдаги тилнинг таҳлил қилинишидир.

Антропоцентрик парадигма инсонни биринчи ўринга олиб чиқади, тил инсоннинг асосий характеристикаси, унинг энг муҳим таркибий қисми сифатида ўрганилади. Ҳеч шубҳасизки, инсон ақлга сиғмайдиган матнни яратиш ва идрок этиш каби лингвистик қобилиятига эгадир. Шахс томонидан яратилган матн индивидуал саналади, демак ҳар қандай баёнот ортида ўз ҳаётий тажрибаси, ўзи хос талқини ва маданиятига эга шахс туради.

Бундан ташқари, тилшуносликда кўплаб ўзига хос ҳар хил тилларда сўзловчилардан бўлганлиги сабабли, биз тилшуносликда “нутқ шахсиятларнинг кўп қатламли ва кўп компонентли парадигмаси” сифатида таҳлил қилишимиз жоиз. Нутқни эса шахснинг лингвистик элементлари тўплами сифатида талқин қилиш керак ва ушбу коммуникатсион вазиятни лингвистик хусусиятлар билан яъни нутқнинг коммуникатив мақсадлари, вазифалари, нутқ мавзуси, нормаси ва фойдаланиши, ундан ташқари этник қатлами, ижтимоий ва психологик параметрлари билан боғлаб ўрганиш лозим. Шуни таъкидлаш жоизки, инсон тил ҳодисасини ўрганишда унинг моделининг турли хил хусусиятларини мунтазам таҳлил қилишни ва ўрганишни ўз зиммасига олади.

Ҳулоса.

Ҳулоса қилиб таъкидлаганда, тил бу шундай тизимки, инсон фаолиятини бир – бирига боғлайди, инсоннинг жамиятдаги мавқеини белгилайди. Инсон атрофига ўзида мавжуд бўлган тил орқали муносабатга киришади ва тилда ҳеч қачон ягона дунё қараш ифодаланмайди. Чунки, сўз – бу предметнинг ўзидан ўзига бўлган белгиси, унинг воқеиликдаги ифодаси, бундай образнинг пайдо бўлиши нутқий жараёни юзага келтиради. Сўз предмет эквиваленти бўлмайди, предметга бўлган таъсирчанликни нутқ орқали ифодалаймиз. Шунчаки тил, дунё суръатини сўз орқали нутқда ифода этиб, инсонга уни таништиради ва тасвирлайди. Ҳар бир халқ ўз тилида ва ўз қарашда дунёни тасвирлайди, тиллар турли хил бўлганидек, дунёга бўлган нигоҳ ҳам хилма хилдир.

Тилнинг антропоцентрик назарияси замонавий тилшуносликда янги тенденция эмас. Шунга ўхшаш фикрларни А.А. Потенбя, А.М.Пешковский, И.А. Бодуэн Куртэне, А.А.Шахматов ва бошқалар изоҳ берди, аммо унинг тўлиқ мазмунини В.фон Гумбольдтнинг фалсафий–лингвистик концепциясида тақдим этилган.

Уларнинг фикрларининг фарқи шунда эдики, биринчи навбатда, тил тизимига ёндашувда тадқиқот процедураларининг қатъий шакллантирилиши, иккинчидан ёндашувлардан фойдаланиш мақсадлари фарқ қилар, бу тизимга типология учун асосланган ёндашув зарур эди, чунки фақат шу усулда тилнинг типологик хусусияларини умумий лингвистик қонуниятлардан ажратиш мумкин эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Апресян Ю.Д.. Большой англо – русский словарь. Том 1. – Москва, 1993. С. 119
2. Апресян Ю. Д. Большой англо – русский словарь. Том 2.– Москва: 1993. -с. 530
3. Бенвенист Э.. Общая лингвистика / Пер. с фр. Ю.Н. Караулова, В.П. Мурат, И.В. Барышева, И.Н. Мельникова; общ.
4. Бодуэн де Куртэне И.А.. Избранные труды по общему языкознанию. Т. 2. М.: Изд-во АН СССР, 1963. – С. 71
5. Гумбольдт В...Избранные труды по языкознанию. – М.:Прогресс,1984. –С.69.
6. Гулыга А.В. “Немецкая классическая философия”. – М., 1986. – С. 35
7. Кубрякова Е.С.. Роль словообразования в формировании языковой картины мира // Роль человеческого фактора в языке. Язык и картина мира. – М.: Наука, 1988. – С. 141–172
8. Кун Т. Структура научных революций / Пер. с англ. И. З. Налетова; Общ. ред. и послесл. С. Р. Микулинского и Л. А. Марковой. — М.: Прогресс, 1975. — 110с.
9. Маслова В.А.. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр Академия, 2001. –С. 6-7
10. Маслова В.А. Homo lingualis в культуре. М.: Гнозис, 2007. – С. 6
11. Орлова Т.А. Антропотцентрическая координата одорической дескрипции (на материале текста романа Патрика Зюскинда "Perfume: The Story of a Murderer") Высшее гуманитарное образование XXI века: проблемы и перспективы: материалы седьмое международной научно – практической конференций. – Samara, 2012,- pp. 237-240.
12. Потебня А.А.. Психология поэтического и прозаического мышления // Хрестоматия по истории русского языкознания. -М.:Высш. шк., 1973. – С. 218
13. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. – М., 2010. - С. 50